

**Эргаш Умаров**

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЖАҲОН  
ТУРКИЙШУНОСЛИК  
ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

**Тошкент - 2017**

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЖАҲОН ТУРКИЙШУНОСЛИК ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ

Алишер Навоий умр бўйи тилшунослик бўйича тўплаган бой ҳаётий хулосаларини умрининг охирида ёзган “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида баён қилиб, жаҳон туркийшунослик фанига қуйидаги янгиликларни киритди:

- I. Алишер Навоий қиёсий грамматикага асос солди;
- II. Фонемани даражаланиш методи асосида аниқлади;
- III. Фонема вариантини аниқлаш усулини яратди;
- IV. Алишер Навоий биринчи марта мумтоз ўзбек алифбоси ҳақида маълумот берди;
- V. Сўз маъноларини даражалаб таҳлил қилди;
- VI. Шоир асарларида луғатларда қайд қилинмаган сўз ва ибораларни қўлади.

### I. АЛИШЕР НАВОЙ ҚИЁСИЙ ГРАММАТИКАГА АСОС СОЛДИ

Алишер Навоий дунё туркийшунослик фанида биринчи бўлиб, қиёсий грамматика фанига асос солди<sup>1</sup>. У 1499 йилда ёзиб тугаллаган “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек ва форс тилларини муқояса қилиб, тилнинг ҳар уч сатҳи – фонетика, лексика ва морфологияда уларнинг ўзига хос томонларини кўрсатиб берди. Ушбу бўлимда шоирнинг

<sup>1</sup> Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент, 2002. – Б. 73–94.

2264/8



лексика ва грамматикага оид айрим қарашлари ҳақида тўхтаб ўтамиз.

Аввал лексика соҳасидаги қарашларига эътибор қаратамиз. Шоир лексика соҳасида ўзбек ва форс тилларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор берди:

А) айрим ўзбек сўзларининг форс тилида муқобили йўқлигига аҳамият берди. Чунончи ўзбекча **қабоғ** сўзининг форсий муқобили йўқлиги ҳақида шундай ёзади:

“Ва хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, **қабоғ** дерлар. Форсийда бу узвнинг оти йўқтур. Маснавийда бир жамоат хўб таърифида мундоқ дейилибдурким, байт:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,

**Қабоғлари** кенг-кенг, оғизлари тор”<sup>1</sup>.

**Менг** сўзининг форс тилида муқобили йўқлиги ҳақида “Муҳокамат ул-луғатайн”да шундай ёзилган: “Ва хусн таърифида улуғроқ холғаким, турклар **менг** от қўюптурлар, алар от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким, байт:

Анингким, ал энгинда **менг** яратти,

Бўйи бирла сочини тенг яратти”<sup>2</sup>.

Б) шоир форсий бир сўз ўрнида ўзбек тилида икки сўз ишлатилишига эътибор беради. Форсча **бародар** ўрнида ўзбек тилида **оға** ва **ини** ишлатилиши ҳақида шоир шундай ёзади:

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 16.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 17.

“Ва улуқ қардош ва кичик қардошни иккаласин бародар дерлар ва турклар улуғни **оға** ва кичикни **ини** дерлар” <sup>1</sup>

Форслар ўзбекча **эгачи** ва **сингил** ўрнида ҳам битта **хоҳар** сўзини ишлатадилар: “Ва алар улуғ, кичик қиз қардошни ҳам **хоҳар** дерлар” <sup>2</sup>.

Ушбу икки мисолдан кўриниб турибдики, Алишер Навоий туркигуй қалам соҳибларига ўзбек тилида шеър ёзиш имконияти чексизлиги ҳақида маълумот бермоқда. Қуйида эътиборни морфология соҳасига қаратамиз.

Алишер Навоий ўзбек тилида араб тили морфологиясидаги икки киши ҳаракатини тақозо қиладиган **муфоала** феълига ўхшаб кетадиган феъл борлиги, аммо у форс тилида йўқлиги ҳақида шундай ёзади:

“Аммо қуллийрак калимотни адо қилали: араб тилининг сарфий истилоҳининг аввобида бир бобдурки, анга – **муфоала** боби от қўюптурларки, лафз бир мазкур бўлур, аммо икки киши феълига муштамилдурки, бир навъ воқеъ бўлғай. Андоқки, **муораз**а ва **муқобала** ва **мушоара** ва **муколама** ва қуллий бобдур ва мунда азим фавойид ҳосил. Ва форсигўйлар мунча фасоҳат ва балоғат даъвоси била бу фойдадин маҳрум. Аммо турк булагоси бу фойдаға таарруз қилибдурлар. Ва масдарға бир **шин** ҳарфи илҳоқ қилмоқ била ул мақсудни топибдурлар.

---

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 20.

<sup>2</sup> Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 20.

Андоқки, **чопишмоқ** ва **топишмоқ** ва **қучушмоқ** ва **ўпушмак** ва бу шоеъ лафздур”.<sup>1</sup>

Ушбу иқтибосда шоир араб тилидаги **муораза** – икки кишини бир-бирига арз қилиши, **муқобала** – биргаликда қаршилиқ кўрсатиш, **мушоара** – бир-бирига шеър ўқиш, **муколама** – бир-бири билан сўзлашиш феъллари ўзбек тилида **шин** ҳарфи билан ясалиши ҳақида маълумот бермоқда: **чопишмоқ, топишмоқ, кучушмоқ, ўпушмак**. Асарда икки кишининг ҳаракатини тақозо қилувчи бундай феъллар форс тилида йўқлиги таъкидланган. Шоир “Муҳокамат ул-луғатайн”да икки киши иштирокни тақозо қиладиган яна бир феъл ҳақида шундай ёзади: “Яна арабий сарф истилоҳда икки мафъуллуқ феъллар борки, анинг адоси дағи мўътабар ва куллийдур. Андин дағи сартлар орий қолибдурлар. Ва атрок анга ҳам хўброқ важҳ била мутобаат қилибдурлар. Арабий андоқки, “Аътайту Зайдан дирҳаман”, бу таркибда уч лафз мазкур бўлур. Алар лафзга бир ҳарф ортурғон била мунга ўхшаш бир замирни ортубдурлар, бағоят мухтасар ва муфид тушубдур. Андоқки, **югурт** ва **қилдурт** ва **яшурт** ва **чиқарт**”<sup>2</sup>.

Ушбу иқтибосда шоир араблар ҳам, туркийлар ҳам сўзга бир ҳарф қўшиш орқали фикрни ихчам ва содда ифодалашлари ҳақида маълумот бермоқда. Туркий тилда **т** ҳарфи қўшиш билан ясалган **югурт, қилдурт, яшурт, чиқарт** феъллари орттирма нисбат саналади.

Шоирнинг ўзбек тилида шубҳа - гумон маъносини англатувчи =**дек** қўшимчаси ҳақидаги фикри ҳам диққатга

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 21.

<sup>2</sup>Алишер Навоий . МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 22.

сазovor: “Яна бир навъ иборат ва адолари борким, бировдин бир ишни гумон элтмак била ул ишни ул кишига нисбатгуна берурлар, йўқки, таҳқиқ юзидин, балки мазанна ва гумон хайсиятидин, аммо мунда диққат кўптур. Андоқки, **борғудек** ва **ёруғдек** ва **кулгудек** ва **билгудек** ва **айтқудек** ва **қайтқудек** ва **урғудек** ва **сурғудек** ва бу форсийда бўлмас”<sup>1</sup>.

Ушбу иқтибосда ўзбек тилида шубҳа, гумон ноаниқлик маъноси ихчам = **гудек** кўшимчаси орқали ифодаланишни таъкидлаган.

Юқоридаги мисоллардан кўриниб турибдики, Алишер Навоий тилшунос сифатида ўзбек ва форс тиллари ҳақида диққатга сазовор фикрлар баён қилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин, аммо шунинг ўзи ҳам Алишер Навоийга қиёсий грамматикага асос солган олим сифатида баҳо бериш мумкинлигини кўрсатади.

## II. ФОНЕМАНИ ДАРАЖАЛАНИШ МЕТОДИ АСОСИДА АНИҚЛАДИ

“Муҳокамат ул-луғатайн”даги фонетикага оид маълумотларни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, шоир фонема ва унинг вариантини зукколик билан аниқлаган. У келтирган мисоллардан агар бир хил қуршовдаги сўзлар таркибидаги товушларни ўзаро алмаштирганда маънога таъсир қилса фонема, маънога таъсир қилмаса фонема варианты эканлигини билиб олиш қийин эмас.

---

<sup>1</sup>Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 22.

Алишер Навоий дунё туркийшунослик фанида биринчи бўлиб мумтоз ўзбек тилидаги фонемани поғонама-поғона даражалаб кўрсатиш усулини яратган олим. У “Муҳокамат ул-луғатайн”да **ва:в** ва **йа:й** графемалари билан ифодаланувчи **ў**, **у** ва **и** унлиларини поғонама-поғона, яъни **узундан қисқа** томон даражалаб кўрсатди.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн”да **ўт** ва **тўр** сўзлари мисолида мумтоз ўзбек тилида бир-биридан **узун-қисқалик** билан фарқланувчи **ў** ва **у** фонемаларини дистрибутив метод асосида даражалаб кўрсатади. Аввал **ўт** сўзлари ҳақида тўхталамиз. Шоир ёзади: “Ва туркий алфозда бу маъруф, мажҳул ҳаракат тўрт навъ топилур: ҳам “вовий”си ҳам “ёйий”си; “вовий”си андоққи, **ўтки**, шайъи муҳриқдур ва **ўт** мурур маъниси била ва **ўт** муқаммирига бурд жиҳатидин амр ва **ўтки** баридин ариқ ҳаракатдур, каллани **ўтга** тутуп, тукин аритур маънидадур<sup>1</sup>.

Ушбу иқтибосдан кўриниб турибдики, шоир **ўт** сўзи изоҳида иккита **ў** ва иккита **у** фонемалари ҳақида маълумот бермоқда:

1. **اوت** ки, шайъи муҳриқдур – куйдурувчи нарса (**ўт**). Туркман тилидаги **о:т** “огонь”<sup>2</sup>, қирғизча **от** “огонь”<sup>3</sup> сўзлари бу фонема чўзиқ **ў**: бўлганлигини кўрсатади.

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 19.

<sup>2</sup> Туркменско-русский словарь. – Москва, 1968. – С. 493.

<sup>3</sup> Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965. – С. 582.

2. اوت - мурур - ўтмоқнинг буйруқ шакли (ўт). Бу сўзда ў: фонемаси кўрсатилган. Ҳозирги қирғиз тилида чўзиқ ө билан ёзилувчи өт “проходи” сўзи шоир фикрини тасдиқлайди<sup>1</sup>.

Алишер Навоий қуйидаги мисолларда икки у унлисини ҳам даражалаб дистрибутив метод орқали кўрсатган:

1. اوت - муқаммирға бурд жиҳатидин амр. Бу мисолда қиморда ют маъносида ут сўзи ишлатилган. Туркманча утмак “выигрывать»<sup>2</sup>, қирғизча ут “выиграть”<sup>3</sup> фикримизни тасдиқлайди.

2. اوت - баридин ариқ ҳаракатдур, каллани ўтга тутуп тукин аритур маънидадур. Бу мисолда юқоридаги унлига нисбатан қисқа ү ифодаланган. Туркман тили фикримизни тасдиқлайди: **үтмек** “опалить”<sup>4</sup>.

Энди тўр сўзлари ҳақида тўхталамиз. Шоир ёзади:

“**тўрки**, домдур, яна **тўрки**, андин дақиқроқдурки: куш ўлтурур йиғочдур ва **тўрки**, андин дақиқроқдур: уйнинг тўридур ва **тўрки**, барчадин ариқдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак уйдур”<sup>5</sup>.

Ушбу иқтибосдан кўриниб турибдики, шоир тўртта ў унлисини дистрибутив метод орқали даражалаб кўрсатган:

<sup>1</sup> Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965. – С. 601.

<sup>2</sup> Туркменско-русский словарь. – Москва, 1968. – С. 665.

<sup>3</sup> Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965. – С. 809.

<sup>4</sup> Туркменско-русский словарь. – Москва, 1968. – С. 674.

<sup>5</sup> Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 19.



1. " تور ки домдур". Тузоқ маъносидаги ушбу сўзда чўзиқ ў: ишлатилган – тў:р. Туркманча тор "сеть"<sup>1</sup>, қирғизча тор "сеть"<sup>2</sup> сўзлари фикримизни тасдиқлайди.

2. " تور ки андин дақиқроқдурки: куш ўлтурур йиғочдур". Бу мисолда юқоридаги чўзиқ ў: дан қисқароқ унли ифодаланган. Қирғиз тилида бу фонема туур "насет для ловчей птицы"<sup>3</sup> сўзи таркибида сақланиб қолган.

3. " تور ки андин дақиқроқдур уйнинг тўридур". Бу фонема аввалгидан қисқароқ бўлгани учун учинчи даражали чўзиқ ў: ҳисоблаш мумкин. Фикримизни туркман тили тасдиқлайди: тө:р "почетное место"<sup>4</sup>

4. " تور ки барчадин ариқдур: тўрлуғни ё эшикни тўрмак уйдур". Ушбу сўзда оддий ў ифодаланган. Бу фонема қирғиз тилидаги түр "орнамент"<sup>5</sup> шаклида сақланиб қолган.

Худди шундай фикрни йа:й орқали ифодаланувчи и унлиси ҳақида айтиш мумкин. Шоир йа:й билан ифодаланувчи унлиларни ҳам поғонама-поғона даражалаб кўрсатган. Алишер Навоий йа:й мумтоз ўзбек тилида уч фонемани ифодалаш мумкинлиги ҳақида шундай ёзади: "Ва йа:йий мисол уч ҳаракатдин ортуқ топилмас: بيز - бэзки сарт кадуд дер ва بيز - бизки мо ва наҳну маъниси биладур ва بيز - би:зки (бигиз)

<sup>1</sup> Туркменско-русский словарь. – Москва, 1968. – С. 640.

<sup>2</sup> Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965. – С. 753.

<sup>3</sup> Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965. – С. 772.

<sup>4</sup> Туркменско-русский словарь. – Москва, 1968. – С. 642.

<sup>5</sup> Киргизско-русский словарь. – Москва, 1965. – С. 783.

дарафш дерлар”<sup>1</sup>. Ушбу иқтибосда Алишер Навоий уч фонема: э, и ва чўзиқ и: ҳақида маълумот берган.

### III. ФОНЕМА ВАРИАНТИНИ АНИҚЛАШ УСУЛИНИ ЯРАТДИ

Алишер Навоий фонема вариантыни аниқлашда унинг сўз маъносига таъсир қилмаслигини ҳисобга олади. Шоир алиф (ا) ва ҳо (ه) ҳарфлари ўзаро алмашганда маънога таъсир қилмаслиги ҳақида шундай ёзади: “Алиф била ҳо орасида муносабат ва мушоракат берибдурларки, бир лафзни ҳам охири алиф лафз била қофия қилса бўлур. Андоқки, ارا - ара лафзин سرا - сара ва درا - дара била қофия қилса бўлур, سره - сара ва دره - дара била ҳам қофия қилса бўлур. Яна бир мисол: андоқки, يدا - йада лафзин سدا - сада била қофия қилса бўлур باده - бада била ҳам қилса бўлур”<sup>2</sup>. Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, XV асрда алиф маъно ажратиш хусусиятини йўқотгани учун шоир уни қисқа а ни англатувчи ҳо билан алмашганда маънога таъсир қилмаслигини таъкидлайди. Демак, алиф (ا) ва ҳо (ه) бир-бирига вариант. Худди шундай фикрни шоир ва:в ва заммага нисбатан баён этади. XV асрга келиб ва:в маъно ажратиш хусусиятини йўқотгани учун Алишер Навоий уни заммага тенг даражага келиб қолганлигини таъкидлаган. Шоир ва:в ва замма бир-бирига вариант бўла олиши ҳақида шундай ёзади: “Андоқки, ايور - эрур лафзин حر - хур, دز - дур лафзи била қофия қилса бўлур, غور - ғурур ва ضرور - зарур лафзи била жоиздур”<sup>3</sup>. Кўриниб турибдики, бу мисолларда ҳам

<sup>1</sup>Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 19.

<sup>2</sup>Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 19.

<sup>3</sup>Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 19.

**ва:в** ва **замма** бир-бирига вариант бўла олиши таъкидланмоқда. Демак, **ва:в** XV асрда чўзиқлик белгисини йўқотган. **Йа:й** мумтоз ўзбек тилида чўзиқлик белгисини йўқотгани учун Алишер Навоий **йа:й** ва **касра** ҳам бир-бирига вариант бўла олиши ҳақида шундай ёзади: “Ва **йа:** била **касра** орасида дағи бу навъдур, андоққи, **أغیر** - а:ғир ва **باغیر** - ба:ғир алфозин **صادر** - са:дир ва **قادر** - қа:дир алфози била қофия қилса бўлур, **تاخير** - та:хи:р (секин) ва **تغییر** - тағйир алфози била ҳам бўлурки, форсий алфозда бу сухулатлар йўқтур”<sup>1</sup>.

Ушбу мисоллардан кўриниб турибдики, шоир **йа:й** маъно ажратиш хусусиятини йўқотгани учун уни **касрага** вариант бўла олишини таъкидламоқда. Демак, фонема вариантини Алишер Навоий XV асрда биринчи бўлиб аниқлаган. Ғарбда фонема вариантини аниқлаш методи XX асрнинг 30–40 йилларида пайдо бўлиб, у дистрибутив метод деб атала бошланди. Афсус, адабиётларда бу метод Алишер Навоий номи билан эмас, балки Америка олимлари Л. Блумфильд, Б. Блок, Ч. Хоккет, З. Харрис номи билан боғлиқлиги таъкидланади.

#### **IV. АЛИШЕР НАВОИЙ БИРИНЧИ МАРТА МУМТОЗ ЎЗБЕК АЛИФБОСИ ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ БЕРДИ**

Алишер Навоий мумтоз ўзбек алифбоси ҳақида маълумот берган биринчи олим. У “Муҳокамат ул-луғатайн”да кўйидаги унлилар ҳақида маълумот беради: **а: -а, и: -и, у: -у, ў: -ў, э: -э**. Бу ерда бир масалани алоҳида таъкидлаш зарур. Чўзиқ **а:, и:, у:, ў:, э:**, унлиларида маъно ажратиш хусусияти йўқолганлиги сабабли улар оддий **а, и, у, ў, э** унлиларига айланиб қолган. Демак, XIV-

<sup>1</sup>Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б.19.

XVI аср ёдгорликларидаги ўзбекча сўзларни ана шу беш унли билан транслитерация қилиш мумкин. “Мажолис ун-нафоис”нинг саккизинчи мажлисида Хусайн Бойқаро ғазаллари таҳлилида қуйидаги ундошлар ҳақида маълумот беради: ундошлар 31 та бўлган. 1. پ – бе; 2. ت – те; 3. ث – се; 4-5. ج – жим (ж ва ч); 6. ح – ҳе; 7. خ – хе; 8. د – дол; 9. ذ – зол; 10. ر – ре; 11. ز – зе; 12. س – син; 13. ش – шин; 14. ص – сод; 15. ض – зод; 16. ط – то; 17. ظ – зо; 18. ع – айн; 19. غ – ғайн; 20. ف – фе; 21. ق – қоф; 22-23-24. ك – коф (к, г ва нг); 25. ل – лом; 26. م – мим; 27. ن – нун; 28. ه – ҳе; 29. ي – й; 30. و – в; 31. پ – пе.

## V. СЎЗ МАЪНОЛАРИНИ ДАРАЖАЛАБ ТАҲЛИЛ ҚИЛДИ

Маълумки, Алишер Навоий асарларига тузилган луғатларда сўз маъноларини жойлаштиришда бир хиллик кўринмайди. Айрим луғатларда сўзнинг биринчи маъноси, бошқа луғатларда иккинчи ёки рақамланмасдан кўрсатилган. Буни Алишер Навоий асарларига тузилган бир жилдлик ва тўрт жилдлик луғатлар мисолида кўриши мумкин. **Арш** сўзи «Навоий асарлари луғати»да (Тошкент, 1973, 58-бет) уч: 1. Осмоннинг энг юқориси; 2. маж. Энг юқори жой; 3. маж. Тахт маънолари кўрсатилгани ҳолда тўрт жилдлик «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати»нинг биринчи жилдида (Тошкент, 1983, 118-бет) икки: 1. Осмоннинг энг юксак қавати; юлдузларнинг энг юқориси; 2. Юксак жой; деб изоҳланган. Шоир ана шундай ноаниқликларга барҳам бериш мақсадида сўз маъноларини даражалаб кўрсатган. Яъни, маънони кучсиз-кучлига қараб поғонама-поғона даражалайди. Бу тамойилда илмийлик устувор.

Алишер Навоий сўз маъноларини фонемага тескари кучсиздан поғонама-поғона даражалаб кўрсатган. Чунончи шоир “Муҳокамат ул-луғатайн”да **ясанмоқ** ва **безанмоқ** феълларини қиёслар экан, **безанмакни** маъно жиҳатдан кучли, яъни муболағали шакли деб кўрсатади: “Аммо **безанмак** муқобаласида демайдулар ва ул **ясанмоқнинг** муболағасидур ва ани мундоқ дебдурларким, байт:

Эрур бас чу ҳусну малоҳат санга,

Ясанмоқ, **безанмак** не ҳожат санга ?<sup>1</sup>.

Шоир **йиғламоқ** феъли маъно товланишларининг қуйи, яъни кучсиздан кучли томон кўтарилиб боришини олти даражага

<sup>1</sup> Алишер Навоий. МАТ. – Тошкент, 2000. Т. XVI. – Б. 16.

бўлиб кўрсатади. **Йиғламоқнинг** энг қуйи паст даражасини йиғламоққа ўхшаб кўринмоқ маъносидаги **йиғламсинмоқ** сўзи орқали ифодалайди:

Зоҳид ишқин десаки, қилғай фош,  
**Йиғламсинуру** кўзига келмас ёш.

Ундан кучлироқ даражадаги маъно **инграмак** ва **синграмак** феъллари орқали кўрсатилган: “Ва **инграмак** ва **синграмак**ким, дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур...”, байт:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,  
Кечалар гоҳ **инграмакдур** одатим, гаҳ **синграмак**.

Учинчи даражадаги кучли йиғини шоир **сиқтамоқ** феъли орқали кўрсатади: “Ва **сиқтамоқ**ким, йиғламоқда муболағадур...”, байт:

Ул ойки кула-кула қироғлатти мени,  
Йиғлатти мени демайки, **сиқтатти** мени.

Тўртинчи даражадаги кучли йиғини “...**ўкурмак** дерлар...”, деб кўрсатади. Байт:

Ишим тоғ узра ҳар ён ашк селобини сурмакдур,  
Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ **ўкурмакдур**.

Бешинчи даражадаги кучли йиғини **инчкирмақ** феъли орқали кўрсатади. Шоир ёзади: “Яна **йиғламоқнинг ўкурмаки** муқобаласида **инчкирмак** дағи бор ва ул инчка ун била йиғламоқдур...”, байт:

Чарх зулмида бўғзумни қириб йиғлармен,  
Йиғирур чарх (киби) **инчкириб** йиғлармен.

Ва ниҳоят олтинчи даражадаги энг кучли йиғи **ҳой-ҳой йиғламоқ** орқали кўрсатилган: “Аммо йиғламоқта **ҳой-ҳой** лафзин адода ўзларин туркигўйларга шарик қилибдурлар ва бу

лафз ҳам аслан туркий услубдур ва фақирнинг бу мақтаи машхурдурким, байт:

Навой, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп,  
Ки ҳай дегунча не гулбун, не гунча, не гул бор.

Ушбу мисолларда Алишер Навоий сўз маъноларини даражалаб кўрсатган. Бу туркийшунослик фанида келажакда луғатнинг мутлақо янги турини тузиш мумкинлиги ҳақида маълумот беради.


## VI. ШОИР АСАРЛАРИДА ЛУҒАТЛАРДА ҚАЙД ҚИЛИНМАГАН СЎЗ ВА ИБОРАЛАРНИ ҚЎЛЛАДИ

Алишер Навоий ўзидан олдин ҳам, кейин ҳам бир неча шоирлар ишлатган сўз ва иборалардан кўпроқ сўз бойлигига эга бўлган буюк шоир. У Моварауннаҳр ва Хуросоннинг кенг ҳудудларида яшаган турли шева вакиллари тилидаги сўз ва ибораларидан унумли фойдаланган. Унинг асарлари туфайли турли шевалар таркибидаги уруғ ва элатлар тилида ишлатилган сўз ва иборалар ҳақида маълумотга эга бўламиз. Буни “Муҳокамат ул-луғатайн”да келтирилган юзта феъл мисолида яққол кўриш мумкин. Афсус, ҳозир бу феълларнинг айримлари қайси шевада истеъмолда бўлганлигини аниқлаб бўлмайди. Аммо бир нарса аниқ. Шоир бу феълларни синчковлик билан турли уруғ ва элатлар тилидан ёзиб олган. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да ўзидан олдин ўтган юздан ортиқ шоирлар асарларидан байт келтириб халқимизни улар ишлатган сўз ва иборалардан воқиф қилди. У Ҳирот, Машҳад, Астрабод,

Самарқандда бўлар экан, ўзбек тилининг турли уруғ вакиллари билан учрашганда улар ишлатган сўзлардан хабардор бўлганлиги исботга муҳтож эмас. Афсус, шоирнинг сўз бойлиги ҳақида ҳозирча аниқ маълумотга эга эмасмиз. Аммо унинг шоҳ асари “Хамса”да ишлатилган сўз-шакллари миқдори маълум. Шу сабабли Алишер Навоийнинг сўз бойлигини ҳозирча “Хамса” мисолида кўриб чиқамиз.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асари ўзбек халқининг миллий ғурури, ифтихори. Унда мумтоз ўзбек тилининг ноёб сўз бойлиги акс этган. Афсус, ушбу асар сўз бойлиги жиҳатдан чуқур ўрганилмаган. Ушбу бешликда қанча сўз ва ибора ишлатилганлиги яқин вақтларга қадар ноаниқ эди. Ваҳоланки, Ҳофиз Шерозий “Девон”и, Фирдавсий “Шоҳнома”си, Хусрав Деҳлавий асарлари конкорданси – жами сўз бойлиги ўрганилган. Уларнинг электрон дисклари дунёда машҳур. Конкорданс – у ёки бу ижодкор ишлатган жами сўз-шакли ва иборалар йиғиндиси бўлиб, у адибларнинг сўз қўллаш маҳорати ҳақида нафақат олимлар, балки кенг халқ оммасига турфа хил маълумотлар беради. Ўзбек мумтоз тилидаги ушбу бўшлиқни тўлдириш мақсадида Тошкент давлат шарқшунослик институти профессорлари Абдурахим Маннонов, Аҳмаджон Қуронбеков ва Муҳаммаджон Имомназаровлар Ф-1-135 “Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий-услубий тадқиқи” давлат гранти асосида “Хамса” дostonлари конкорданси бўйича тадқиқот яратди. Конкорданс тузувчилар “Хамса”ни танлаганликлари бежиз эмас. Сабаби ушбу бешликда Хусрав ва

17  
2264/8





Моварауннахр ўзбеклари тилида қўлланиб, аммо мумтоз қомусларда акс этмаган жуда кўп сўз ва иборалар учрайди. Олимлар конкорданс тузишда тўрт муҳим манбага суянганлар: 1. Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик марказида сақланаётган “Хамса”нинг Абдужамил хаттот томонидан кўчирилган ноёб нусхасига. Ушбу нусха шоирнинг ҳаётлик пайтида Ҳиротда кўчирилган бўлиб, навоийшунос олимларнинг фикрича, унга шоирнинг назари тушган; 2. Алишер Навоий дostonларининг йирик матншунос Порсо Шамсиев томонидан тузилган танқидий матнига; 3. Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт ва Қўлёмалар институти олимлари томонидан 1987–2003 йилларда тайёрланган 20 жилдлик мукамал асарлар тўпламига; 4. Ғафур Ғулом нашриёти томонидан 2011 йилда нашр этилган шоирнинг 10 жилдлик тўла асарлар тўпламига. Конкорданс тузишда олимларнинг икки нашр, икки арабий ёзувдаги манбага асосланганликлари тўғри бўлган. Сабаби шубҳали жойларда манбалар бир-бирини тўлдиради, тузатади.

Олимларнинг ҳисоб-китоби бўйича **4050** байтли “Ҳайрат ул-аброр”да **12.155** та, **5834** байтли “Фарҳод ва Ширин”да **14.445** та, **3669** байтли “Лайли ва Мажнун”да **9994** та, **5009** байтли “Сабъаи Сайёр”да **11.686** та, “Садди Искандарий”да **16.998** та жами қайтариқлари билан **65.278** та сўз шакл ишлатилган. Бу рақамларга озгина изоҳ киритмоқ лозим. Чунончи “Лайли ва Мажнун”да **9994** та сўз ва иборадан айримлари бир, бошқалари кўп марта учрайди. Масалан, **ора** сўзи **153** марта учрагани ҳолда **барқ** **12** марта, **бари** **13** марта, **бориб**, **борлик**, **барс**, **борур**

сўзлари бир мартадан ишлатилган. Асарнинг луғат фонддини аниқлашда **ора, барқ, бари** сўзлари ҳам **бориб, борлиқ, барс** каби бир сўз қаторида ҳисобга олинишини инobatга олсак, дostonдаги асосий сўзлар миқдори беш минг атрофида бўлиши мумкин. Худди шундай фикрни бошқа дostonларга нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ушбу дostonлардаги сўз = шаклларини ўзаро қиёслаш натижасида ўхшаш, шунингдек, ўзига хос хусусиятларини кўриш мумкин. Аммо ўхшаш хусусиятлар кўпроқ. Чунonчи **орзу** сўзи икки дostonда учрайди, аммо турли нисбатда. “Ҳайрат ул-аброр”да **4** марта, “Лайли ва Мажнун”да **2** марта, “Фарҳод ва Ширин”да эса учрамайди. Бу олмоши ҳам дostonларда кўп учрайди. Биринчи дoston “Ҳайрат ул-аброр”да **391** марта, иккинчи дoston “Фарҳод ва Ширин”да **1065** марта, учинчи дoston “Лайли ва Мажнун” **669** марта. **Кўк** сўзи “Ҳайрат ул-аброр”да **30** марта, “Фарҳод ва Ширин”да **31** марта, “Лайли ва Мажнун”да **21** марта. Дostonдаги ўзига хосликларни арабий, форсий ва ўзбекча сўзларнинг турли миқдорда ишлатилишида ҳам кўриш мумкин. “Ҳайрат ул-аброр”да арабий, форсий сўз ва иборалар кўпроқ учрайди. Буни дostonнинг фалсафий – дидактик мазмуни билан изоҳлаш мумкин. “Фарҳод ва Ширин”да улар нисбатан кам. Сабаби шоир унда шарқ халқлари оғзаки ва ёзма адабиётидан кенг фойдаланган. “Лайли ва Мажнун”да иккала дostonга қараганда ўзбекча сўзлар кўп учрайди. Қуйидаги байтда Мажнун отасининг нутқи, асосан, ўзбекча сўзлардан иборат:

Кўксўм ярасини сўкма мунча,  
Бағрим қонини тўкма мунча.  
Оч тўйғазибон ялангни ёптим,  
Ўлдим деганимда сени топтим.

Демак, “Хамса”да қайтариқлар билан **65.278** дан ортиқ сўз-шакл ишлатилган. Агар бу рақамнинг учдан икки қисми қайтариққа чиқиб кетганда ҳам Алишер Навоий “Хамса” ёзишга киришганда **20.000** дан кам бўлмаган сўз ва ибора захирасига эга бўлганлиги ҳақидаги маълумотга эга бўламиз. Бу рақам Алишер Навоий 1483–1485 йиллар “Хамса” ёзаётганида хотирасида **20.000** дан ортиқ сўз ва иборалар бўлганлигини кўрсатади. Агар ушбу **20.000** сўзнинг аксарияти икки маъноли эканлигини ҳисобга олсак, шоир **40.000** маънони ёдида сақлаганлиги маълум бўлади. Бу ҳар қандай ижодкорга насиб қилавермайдиган фавқулудда ноёб ҳодиса. Савол туғилади: агар беш дostonдан иборат “Хамса”да қайтариқсиз **20.000** дан ортиқ сўз ва ибора ишлатилган бўлса, шоирнинг қолган 25 та асарида қанча сўз ишлатилган?! Афсуски, ҳозирча бу саволга жавоб бера олмаймиз. Сабаби қолган асарларнинг конкорданси тузилмаган. Аммо бир нарса аниқ. Шоир ўз асарларида араб, форс, ўзбек тили сўз ва ибораларидан кенг фойдаланган. Агар Фирдавсий, Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомийлар ўз асарларида, асосан, араб ва форсий сўз ва иборалардан фойдаланган бўлсалар, Алишер Навоий уч тил: араб, форс ва ўзбек тили сўз бойлигидан унумли фойдаланган. Шу сабабли, унинг сўз бойлиги Ҳофиз Шерозий, Фирдавсий, Хусрав Дехлавийникига қараганда катта. Ҳофиз

Шерозий “Девон” ида бор йўғи 7227 сўз ва ибора ишлатилган. А.С. Пушкин ўз асарларида 21.191, М.Ю. Лермонтовнинг сўз бойлиги 14.939, В. Шекспир бутун умри давомида 29.066 га яқин сўз-шакл ишлатган бўлса, шоир фақат “Хамса”да 20.000 дан ортиқ сўз-шакл ишлатган. Шарқ адабиётида сўз бойлиги жиҳатдан Алишер Навоийга тенг келадиган ижодкор йўқ. У ўзига хос феномен. Ушбу конкорданс туркийшунослик фанига Алишер Навоийнинг сўз бойлиги ҳақида қимматли маълумот беради. Конкорданс мумтоз ўзбек тили ва адабиёти билан шуғулланувчи олимларнинг ишини анча енгиллаштиради. Янги-янги мавзуларга йўл очади. Айниқса, бакалавр ва магистрантлар учун турли йўналишда илмий иш олиб боришлари учун қулайликлар яратади. Биз, олимлар, шу вақтгача Навоий буюк шоир, Навоий буюк адиб деб оғиз кўпиртирдик. Амалда эса на сўз қўллаш маҳорати, на сўз бойлиги жиҳатидан унинг буюклигини кўрсата олмадик. Энди ушбу конкорданс ва келгусида шу йўналишдаги ишлар билан шоирнинг сўз бойлиги, маҳоратини кўрсатиш мумкин. Ушбу конкорданслар асосида ҳозирданоқ айтиш мумкинки, Алишер Навоий сўз қўллаш жиҳатидан шарқда ўзига хос нодир ҳодиса. Конкордансдаги аруз вазнига туширилган дoston матнлари ушбу илмий ишнинг аҳамиятини янада оширган.

## “ҲАЙРАТ УЛ-АБРОР” КОНКОРДАНСИДАН НАМУНА

№	Сўзлар Words	Частота Frequency	Боб рақами / Байт рақами Chapter / Couplet
1	'abdullāh	1	53/0;
2	'abdullāhga	1	7/0;
3	'abdullāhi	2	29/0; 29/2;
4	'abdurahmān	1	13/0;
5	'abīri	1	28/65;
6	'adad	6	12/15; 12/16; 20/10; 22/14; 44/68; 44/68;
7	'adaddin	3	54/62; 56/56; 58/18;
8	'adadin	1	56/51;
9	'adadī	1	3/18;
10	'adam	19	3/0; 3/11; 4/13; 4/19; 4/24; 5/0; 11/36; 13/64; 14/4; 18/0; 18/13; 22/35; 36/91; 36/105; 54/102; 54/104; 56/18; 60/40; 62/32;
11	'adamdin	2	4/2; 5/15;
12	'adamnī	1	18/14;
13	'adālat	2	27/6; 27/34;
14	'adālatlari	1	26/0;
15	'adāvat	1	30/3;
16	'adīm	1	22/53;
17	'adīm-ul-misl	1	58/0;
18	'adl	29	5/33; 5/33; 20/40; 26/92; 26/104; 27/5; 27/10; 27/24; 27/30; 27/36; 27/39; 27/40; 27/40; 27/41; 58/107; 58/107; 58/109; 58/113; 59/30; 59/34; 59/37; 60/60; 60/61; 60/61; 60/63; 60/65; 60/65; 60/66; 62/75;
19	'adlga	1	58/110;
20	'adli	3	27/7; 58/0; 60/64;
21	'adliga	1	58/105;
22	'adlin	1	49/4;
23	'adlini	1	33/13;
24	'adliniḡ	1	27/0;

**“ФАРҲОД ВА ШИРИН” КОНКОРДАНСИДАН НАМУНА**

№	Сўзлар Words	Частота Frequency	Бобрақами / Байт рақами Chapter / Couplet
1	'adaddā	2	28/21; 52/21;
2	'adaddin	5	11/21; 12/74; 28/5; 30/29; 40/14;
3	'adadliġ	1	21/16;
4	'adadsiz	5	15/4; 16/97; 19/12; 25/20; 25/77;
5	'adam	17	2/12; 3/0; 3/1; 3/9; 10/42; 12/0; 10/0; 20/0; 25/0; 28/0; 41/67; 3/84; 45/31; 48/82; 49/28; 51/87; 3/0;
6	'adamġa	1	38/43;
7	'adami	2	3/0; 43/0;
8	'adammen	1	49/188;
9	'adamvār	1	46/97;
10	'adālat	4	10/7; 11/18; 41/106; 53/78;
11	'adāvat	1	40/2;
12	'adl	1	52/162;
13	'adli	1	50/69;
14	'adlidin	1	52/162;
15	'adliġa	1	3/39;
16	'aduv	2	10/25; 11/46;
17	'aduvdin	1	10/46;
18	'aduvġa	1	50/101;
19	'aduvniġ	3	11/44; 44/79; 53/81;
20	'adūvdin	1	41/62;
21	'afa'llah	1	44/14;
22	'afv	5	46/106; 49/47; 49/47; 50/139; 50/139;
23	'afvuġ	1	54/116;
24	'afvuġā	1	54/113;
25	'ahd	5	25/10; 31/51; 40/27; 52/146; 52/149;
26	'ahdu-paymān	2	45/41; 52/141;
27	'aġab	23	2/19; 7/22; 14/33; 17/82; 19/34; 20/37; 23/101; 27/46; 27/67; 31/108; 31/153; 35/153; 36/23; 36/99; 39/54; 44/90; 46/22; 50/11; 50/129; 51/9; 51/73; 52/19; 54/113;
28	'aġabdin	1	31/108;
29	'aġabdur	3	4/10; 4/10; 13/29;
30	'aġabliq	1	7/20; 14/33;
31	'aġabrāq	1	27/59;
32	'aġam	1	36/25;
33	'aġamdā	1	54/91;

**“ЛАЙЛИ ВА МАЖНУН” КОНКОРДАНСИДАН НАМУНА**

№	Сўзлар Words	Частота Frequency	Боб рақами / Байт рақами Chapter / Couplet
1	'abiridin	1	35/112;
2	'adad	2	6/31; 30/26;
3	'adadda	1	28/20;
4	'adaddin	1	21/46;
5	'adam	8	1/4; 1/6; 4/32; 7/57; 10/0; 17/47; 19/66; 27/48;
6	'adamda	1	27/29;
7	'adamni	1	1/6;
8	'adavat	1	22/0;
9	'adavatini	1	21/85;
10	'adl	6	7/76; 8/6; 8/7; 8/14; 37/49; 37/56;
11	'adli	3	7/17; 7/68; 8/14;
12	'aduvdek	1	9/42;
13	'aduvğa	4	22/56; 23/0; 23/19; 25/58;
14	'afv	3	4/94; 33/77; 38/95;
15	'ajab	15	5/7; 10/42; 10/60; 12/43; 14/17; 16/38; 17/99; 21/90; 23/11; 23/47; 24/3; 25/133; 27/63; 31/101; 34/59;
16	'ajabdur	2	1/50; 14/51;
17	'ajam	1	9/79;
18	'ajamda	1	9/79;
19	'ajib	1	35/57;
20	'ajz	5	2/0; 19/6; 21/49; 24/18; 30/8;
21	'ajziğa	1	2/6;
22	'ajzini	2	2/8; 2/8;
23	'aksi	1	23/31;
24	'aksini	1	13/67;
25	'alam	2	13/16; 13/46;
26	'alamkaš	1	32/35;
27	'alamlar	1	13/41;
28	'alamtirāzi	1	7/16;
29	'ala-nnūr	1	6/17;
30	'alāmat	1	37/37;
31	'amāma	1	22/49;

## ХУЛОСА

1. Алишер Навоий жаҳон туркийшунослик фанида биринчи бўлиб қиёсий грамматикага асос солди.

2. Шоир фонема ва унинг вариантыни дунё туркийшунослик фанида биринчи бўлиб аниқлади. У фонема ва унинг вариантыни аниқлашда оддий туркона усулни қўллади: бир хил қуршовдаги сўзлар таркибидаги товушларни ўзгартирганда маънога таъсир қилса фонема, маънога таъсир қилмаса фонема варианты ҳисобланади. Ушбу метод европаликлар томонидан беш юз йилдан кейин дистрибутив метод деб атала бошланди.

3. Алишер Навоий биринчи марта мумтоз ўзбек алифбоси ҳақида маълумот берди.

4. Мутафаккир сўз маъноларини ҳам даражаланиш асосида таҳлил қилди. Кучсиздан кучли томон даражалаб кўрсатишга асосланган янги луғат тузиш мумкинлигини кўрсатди.

5. Алишер Навоий ўз асарларида луғатларда қайд қилинмаган сўз ва ибораларни ишлатиб, мумтоз ўзбек луғатшунослиги учун бебаҳо хазина қолдирди.



Эргаш Умаров

**АЛИШЕР НАВОЙНИНГ ЖАҲОН  
ТУРКИЙШУНОСЛИК  
ФАНИГА ҚЎШГАН ҲИССАСИ**

Сдано в набор 25.04.2017. Формат 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Бумага офсетная.  
Гарнитура Cambria. Уч.-изд. л. 1,75. Усл.-печ. л.1,5.  
Тираж 100. Заказ №30/2. Цена договорная.

Отпечатано в типографии «Fan va ta'lim poligraf»  
100170, г.Ташкент, ул Дўрмон йўли 24.

